

O'zbekiston sharoitida o'tkazilgan tajribalarga ko'ra, kompost tayyorlash uchun maydon 20-25 sm chuqurlikda shudgorlanadi. 25 t go'ng va 0,75 t super fosfat bir xil qalinlikda sochib chiqiladi va 20-22 sm chuqurlikda qayta shudgorlanadi. Yozgi muddatda kompostlar 2-3 marta sug'oriladi, sug'orishdan keyingi kompostlash chuqurligida yumshatiladi. Bunday usulda kompost tayyorlashu 1,5-2 oy mobaynida yetiladi. Kompostni gektariga 12-15 tonna qo'llash tavsiya etiladi.

30% go'ng +70% tuproq va 30% go'ng +70% tuproq + 1% super fosfat nisbatida tayyorlangan kompostlar tarkibida NPK ning umumiy miqdori tegishli 0,52; 0,29; 1,57 % ni tashkil etgan. Bunda kompostlarning to'liq tayyor bo'lishi uchun 45-60 kun saqlanishi lozim. Kompostda go'ngni miqdorini 70 % gacha oshirib tuproqning miqdorini 30 % gacha kamaytirilganda undagi oziq moddalarning umumiy miqdori quyidagicha bo'ldi: - azot 1-% fosfor 0,84 % kaliy 2,06 % gacha.

ЭКИШ МУДДАТЛАРИ, МЕЪЁРИ ВА ЭКИШ УСУЛЛАРИНИНГ КУЗГИ БУГДОЙ ЯКСАРТ НАВИНИНГ ДОН ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**А.Файзуллаев – магистратура талабаси, Э.Зиядуллаев - талаба,
Б.Мавлонов – илмий раҳбар, доцент**

Аннотация: Ўзбекистонда яратилган бугдой навларининг дон ҳосилдорлигига экиш муддати, меъёри ва экиш усуллари ўзаро боғлиқлигини кузатиш мумкин. Кузги бугдойни экиш Ўзбекистонда вилоятлар тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда сентябрдан ноябргача давом этади.

Калит сўзлар: *бугдой, Яксарт, нав, муддат, меъёр, усул, дон, унвчан уруғ.*

Кириш. Республикамизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида, айниқса, ғаллачилик тармоғида эришилган ютуқлар ғоят қувонарлидир. Бу даврда ғалла майдонлари кенгайди, ҳосилдорлик кескин ошди, етиштирилаётган дон ҳосил эҳтиёжимизни тўлиқ қондирибгина қолмай, унинг экспортига ҳам кенг йўл очилди. Бугунги кунда республикамиз ғаллачилик фермер хўжаликлари ва соҳа мутахассисларининг асосий вазифалардан бири бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришдир.

Биологик кузги бугдой навларини эрта муддатда (сентябр охирида), дуварак навларни Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларининг шимолий қисмида октябр ойининг бошида, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида октябр ўртасида экиш, тезда суғориб тўла ниҳоллар ҳосил қилиш мўл ва сифатли уруғлик етиштиришни таъминлайди. Экиш муддати ҳисобига бугдой ҳосилини 30ц/га ошириш мумкин.

Қашқадарё вилоятининг типик бўз тупроқли суғорма деҳқончилик ер шароитида П.Х.Бобомирзаев (1998) томонидан олиб борилган 4 йиллик тажрибаларида қаттиқ бугдойнинг Бахт, Александровка навларида ҳосилдорлик эрта ва кечки муддатларда экилганда камайган.

Ўзбекистон республикасининг Марказий минтақалари суғориладиган ерлари С.Эгамбердиев, Ғ.Қурбонов (2000) ҳамкорлигида ўтказилган 4 йиллик тажрибаларда эса Интенсивная навидан энг юқори ҳосил муқобил муддатда ва нормада экилган вариантларда олинган. Эрта ва кечки муддатларда ҳамда кам ва юқори меъёрларда экилганда ҳосилдорлик пасайган.

Х.Атабоева, Б.Азизовларнинг (2008) берган маълумотларига кўра, суғориладиган ерларда уруғ экиш меъёри лалми ерларга нисбатан икки баробар кўп, яъни гектарига 4-5 млн. дон уруғ экилиши мақбул ҳисобланади. Ўзбекистонда «Ғаллачилик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент давлат аграр университети тажриба станциясида ўтказилган тажрибалар натижалари гектарига экиладиган уруғ меъёри 3 млн. дондан 5 млн. донгача оширилиши билан кузги бугдой ҳосили ҳам ошганлиги кўрсатган.

И.Қобулов, А.Омоновлар (2000) ғўза қатор орасига кузги бугдойнинг экиш меъёри навнинг биологик хусусияти, тупроқнинг унумдорлиги ва мелиоратив


холатига қараб 250 кг/га, кўчат қалинлиги 5-6 млн. донани ташкил этиши лозимлигини таъкидлайди.

Материал ва методлар. Юқоридаги келтирилган маълумотлар асосида олиб борилган тажрибамизда куги буғдой Яксарт навини дон ҳосилдорлигига экиш мудати, меъёри ва усуллари бoғлиқлиги кузатилди. Тажриба Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг марказий тажриба майдонида олиб борилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибада Яксарт нави эрта муддатда экилганда дон ҳосилдорлиги очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 47,6-50,5 ц/га, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 43,6-46,3 ц/га, ғўза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 60,1-63,9 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 52,5-55,8 ц/га ни ташкил қилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида ғўза қатор орасида Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 63,9 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 55,3 ц/га ни ташкил этган бўлса, энг паст ҳосилдорлик очик майдонда 5 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида Фанкхаузер-2115 сеялкасида 43,6 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 47,6 ц/га аниқланди. Ўрта муддатда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 40,9-43,5 ц/га, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 38,9-41,3 ц/га, ғўза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 43,9-46,7 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 45,5-48,3 ц/га кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида ғўза қатор орасида Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 46,7 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 48,3 ц/га ни ташкил этди.

Кеч муддатда экилганда дон ҳосилдорлиги экиш меъёрларининг ортиб боришига мос равишда очик майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 30,2-32,9 ц/га, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 28,1-30,6 ц/га, ғўза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 40,6-44,2 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда эса 30,8-33,5 ц/га ошиб бориши кузатилди. Энг юқори ҳосилдорлик 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида ғўза қатор орасида Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 44,2 ц/га, СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 33,5 ц/га ни ташкил этди.

Экиш усуллари, меъёр ва муддатларининг Яксарт нави ҳосилдорлигига таъсири



Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки тажрибада кузги буғдой Яксарт навидан эрта муддатда Фанкхаузер-2115 сеялкасида ғўза қатор орасига 6 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда, ўрта ва кеч муддатларга нибатан юқори ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.